

**ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ  
PhD.03/31.03.2021.Fil.78.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**НАВОИЙ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ**

**ЮЛДАШЕВ ФАРРУХ ҲАҚБЕРДИЕВИЧ**

**ЎЗБЕК ТИЛИНИНГ “МАЪНАВИЯТ” ЛЕКСИК-СЕМАНТИК  
КАТЕГОРИЯСИ “ЭЪТИҚОД” МАЪНОВИЙ ГУРУҲИ АТОВ  
БИРЛИКЛАРИ ТИЗИМИ**

**10.00.01 – Ўзбек тили**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Термиз – 2021**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
филологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on  
philological sciences**

**Юлдашев Фаррух Ҳақбердиевич**

Ўзбек тилининг “маънавият” лексик-семантик категорияси “эътиқод”  
маъновий гуруҳи атов бирликлари тизими..... 5

**Юлдашев Фаррух Ҳақбердиевич**

Система узбекских номинативных единиц семантической группы  
«вера» лексико-семантической категории “духовность” ..... 23

**Юлдашев Фаррух Ҳақбердиевич**

Lexical-semantic category “spirituality” of the uzbek language “faith”  
spiritual group system of nominative units ..... 43

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 47

**ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ  
PhD.03/31.03.2021.Fil.78.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**НАВОИЙ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ**

**ЮЛДАШЕВ ФАРРУХ ҲАҚБЕРДИЕВИЧ**

**ЎЗБЕК ТИЛИНИНГ “МАЪНАВИЯТ” ЛЕКСИК-СЕМАНТИК  
КАТЕГОРИЯСИ “ЭЪТИҚОД” МАЪНОВИЙ ГУРУҲИ АТОВ  
БИРЛИКЛАРИ ТИЗИМИ**

**10.00.01 – Ўзбек тили**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Термиз – 2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.4.PhD/Fil1026 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Навоий давлат педагогика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Термиз давлат университети веб-саҳифасининг [www.terstu.uz](http://www.terstu.uz) ҳамда “Ziyonet” ахборот-таълим порталининг [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

<b>Илмий маслаҳатчи:</b>	<b>Менглиев Бахтиёр Ражабович</b> филология фанлари доктори, профессор
<b>Расмий оппонентлар:</b>	<b>Маматов Абди Эшонқулович</b> филология фанлари доктори, профессор
<b>Расмий оппонентлар:</b>	<b>Пардаев Азамат Бахранович</b> филология фанлари доктори, дотцент
<b>Етакчи ташкилот:</b>	<b>Қарши давлат университети</b>

Диссертация ҳимояси Термиз давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.03/31.03.2021.Fil.78.04 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 190111, Термиз ш., Баркамол авлод кўчаси, 43-уй. Тел.: (876) 221-74-55; факс: (876) 221-71-17; e-mail: [termizdu@umail.uz](mailto:termizdu@umail.uz)).

Диссертация билан Термиз давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 190111, Термиз ш., Баркамол авлод кўчаси, 43-уй. Тел.: (876) 221-74-55)

Диссертация автореферати 2021 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2021 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Б.Умуркулов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
раиси, ф.ф.д., доцент

**А.Эшмўминов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
котиби, ф.ф.ф.д. (PhD)

**Ш.Махмараймова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
кошидаги Илмий семинар раиси,  
ф.ф.д., доцент

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон тилшунослигида ҳар бир тилнинг ўзига хос миллий, маънавий, тарихий илдизларидан келиб чиқиб, унинг хусусиятларини тадқиқ этиш муҳим масала ҳисобланади. Бу эса миллий тилнинг лингвистик муаммоларини яшаб турган муҳит асосида ўрганишни тақозо этади. Тил ва маънавият муносабатларини узвий алоқадорликда ўрганиш соҳа ривожининг тараққиётини таъминлашга муҳим манба бўлиб хизмат қилади. Миллий тилларда акс этадиган маънавий “томир”ларнинг лисоний асосларини аниқлаш, тил ва маънавият алоқаларини ўзаро боғлиқликда ўрганиш долзарб муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Хусусан, шиддат билан ўзгариб бораётган даврда маънавият масаласи миллий ўзлигини сақлаб қолишга интилаётган ҳар бир халқ учун ҳаётий заруратга айланиб бормоқда.

Дунё тилшунослигида лингвокультурология йўналишидаги муаммолардан бири шахс маънавий сифатлари ва унинг жамият тараққиётидаги ўрни масаласини тадқиқ қилиш муҳимлигича қолмоқда. Ҳар бир миллат миллий ўзлигини сақлаб қолишга жиддий эътибор қаратаётган бугунги глобаллашув даврида “маънавият” мавзусига қизиқишнинг ортиб бораётгани ушбу концептнинг семантик таркиби, тил тизимидаги ўрнини белгилаш орқали шахс маънавий сифатларининг лисоний табиатини ўрганиш илмий жиҳатдан долзарблик касб этади.

Ўзбек тилшунослигида бугунги кунда кенг миқёсдаги маънавий-маърифий ишларнинг натижаси ўлароқ бу соҳага дахлдор кўплаб илмий ва илмий-оммабоп адабиётлар чоп этилмоқда. Бироқ ҳозирга қадар тилшунослигимизда “маънавият” семантик майдонининг “эътиқод” маънавий гуруҳини ифодаловчи тил ифодаларининг тизимли тадқиқ этилмаганлиги, уларнинг лисоний қиймати очилмаганлиги ва ёш авлод онгида миллий эътиқодни юксалтиришга хизмат қиладиган таълим йўналиш ва соҳаларида таяниладиган тегишли лингвистик базанинг шакллантирилмаганлиги ҳамда керакли тавсияларнинг ишлаб чиқилмаганлиги бу борадаги ишларнинг самарадорлигига тўсиқ бўлмоқда.. Хусусан, ҳар бир ижтимоий-гуманитар фанда ушбу вазифалар доирасида олиб бориладиган тадқиқот ишларини кўпайтириб, уларнинг амалий самарадорлигини ошириш ўта муҳим. Шу маънода “эътиқод”ни ифодаловчи атов бирликларини систем-структур, когнитив ва лексикографик аспектда лингвистик тадқиқ қилиш долзарблик касб этади. “Эътиқод” концептининг лингвомаданий ва лингвокогнитив қирралари, мавзуй гуруҳлари ва мазкур гуруҳдаги номинатив бирликларнинг коммуникатив хоссаларини ўрганишнинг заруратини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сон “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2020 йил 20 октябрдаги ПФ-6084-сон “Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонлари, 2017 йил 28 июлдаги ПҚ-3160-сон “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини

ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида”, 2019 йил 3 майдаги ПҚ-4307-сон “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу тадқиқот муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни ривожлантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Жаҳон тилшунослигида “эътиқод” тушунчасининг моҳиятини ўрганишга доир кўпгина тадқиқотлар амалга оширилган. Радбиль Т., Иоанесян Е., Эдельман Д.И., Суетина Ю. Г., Порхомовский В.Я., Чертыкова М.Д., Моисеева А.Ю., Роман К., Ивановская О.<sup>1</sup> каби рус тилшунослари, Дан-Жоҳан, Макон Бокзек, Эклунд, Карол Вожтйла, Э.Жоҳн<sup>2</sup> каби инглиз олимларининг тадқиқот ишларида мазкур муаммо, асосан, фалсафий жиҳатдан тадқиқ этилган. Бу йўналишда мамлакатимиз илм-фанида ҳам эътиқод муаммосига бағишланган бир қатор тадқиқотлар олиб борилган<sup>3</sup>.

Ўзбек тилшунослигида “маънавият” категориясига бағишланган тадқиқотлар мавжуд. Хусусан, Г.Тожиева томонидан “Ўзбек тили маънавий-маърифий лексикасининг мустақиллик йилларидаги тараққиёти” (“миллий ғоя” атов бирликлари тизими) мавзuidaги фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияда “маънавият” лексик-семантик категориясининг айрим масалалари ҳақида фикр юритилган. Тадқиқотчи Ю.Ҳожиёв “Алпомиш” достонида қўлланган шахс маънавий сифатларини ифодаловчи атов бирликларини лингвистик ва лингвомаънавий жиҳатдан

<sup>1</sup> Моисеева Анна Юрьевна. Вера как ментальный феномен. Автореферат дисс. ... на соиск. уч. степ. кан. фил. наук. – Томск, 2020. – С. 17; Ряховская Татьяна Викторовна. Феномен веры: онтолого-гносеологический анализ. Автореф. дис. ... на соиск. уч. степ. кан. фил. наук. – Тамбов, 2006. – С. 22; Роман К. Онтология веры: личностные и социокультурные механизмы преемственности ценностей. Автореф. дис. ... на соиск. уч. степ. кан. фил. наук. – Улан-Удэ., 2011. – С. 22; Ивановская Ольга. Вера как феномен культуры. Автореферат дисс. ... на соиск. уч. степ. кан. фил. наук. – Волгоград, 2012. – С. 22; Радбиль Т. Вера как основа мировосприятия и миропонимания в русской языковой картине мира. // Понятие веры в разных языках и культурах. Лингвокультурологические исследования. Логический анализ языка. Москва: Гнозис, 2018. – С. 23; Иоанесян Е. Р. Вера и страх // Понятие веры в разных языках и культурах. Лингвокультурологические исследования. Логический анализ языка. Москва: Гнозис, 2018. – С. 71; Эдельман Д. И. К этимологии обозначений *веры* религии и *веры* доверия в иранских языках. // Понятие веры в разных языках и культурах. Лингвокультурологические исследования. Логический анализ языка. Москва: Гнозис, 2018. – С. 143; Суетина Ю. Г., Порхомовский В. Я. Лексико-семантическое поле веры в языке хауса. // Понятие веры в разных языках и культурах. Лингвокультурологические исследования. Логический анализ языка. Москва: Гнозис, 2018. – С. 152; Чертыкова М. Д. «Вера» и «достоверность». // Понятие веры в разных языках и культурах. Лингвокультурологические исследования. Логический анализ языка. Москва: Гнозис, 2018. – С. 198;

<sup>2</sup> Dan-Johan Eklund. Faith and will. Academic dissertation. – Helsinki, 2015. ; Macon Boczek. Faith has an “essential likeness” of human and divine reason. – American Political Science Association, 2012. ; John Yegge. A Historical Analysis of the Relationship of Faith and Science and its Significance within Education <https://scholarworks.waldenu.edu/dissertations>.

<sup>3</sup> Эркаев А. Миллий ғоя ва маънавият. – Тошкент: Маънавият, 2002. – Б. 46; Эргашев И. Миллий истиқлол ғояси. – Тошкент: Академия, 2005. – Б. 53; Азизхўжаев А.А. Давлатчилик ва маънавият. – Тошкент: “Шарк” НМАК, 1997. – Б. 240; Имомназаров М., Эшмухамедова М. Миллий маънавиятимиз асослари. – Тошкент: “Ислом Университети” нашриёти, 2000. – Б. 360; Эркаев А. Маънавият ва тараққиёт модели. Монография. – Тошкент: Маънавият, 2005. – Б. 192; Қаршибоев М. Бунёдкор халқ ғояси. – Тошкент: Маънавият, 2001. – Б. 270.

тадқиқ қилди<sup>1</sup>. Айнан ушбу муаммо М. Аҳмедованинг тадқиқотида типологик аспектда таҳлил қилинган<sup>2</sup>. Юқоридаги тадқиқотларда “маънавият” категорияси лингвистик жиҳатдан ўрганилганига қарамай, “эътиқод” маъновий гуруҳи монографик жиҳатдан тадқиқ этилмаган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация Навоий давлат педагогика институти илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ “Ўзбек тилшунослигининг назарий ва амалий масалалари” мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** ўзбек тилидаги “маънавият” лексик-семантик категориясига оид “эътиқод” умумий семали атов бирликларининг лисоний қийматини аниқлашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

ўзбек тилидаги “эътиқод” умумий семали атов бирликларини аниқлаш;  
атов бирликларининг ўзбек тили лисоний тизимидаги ўрнини белгилаш;  
бирликларнинг структур ва генетик хусусиятларини изоҳлаш;  
лексикографик талқини муаммоларини ўрганиш;  
семантик гуруҳлари ва семантик муносабатларни ёритиш;  
бирликларнинг концептуал моҳиятини илмий-назарий асослаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида ўзбек тилидаги “маънавият” мазмуний майдонига кирувчи “эътиқод” умумий семали атов бирликлари танлаб олинган.

**Тадқиқотнинг предмети**ни “эътиқод” умумий семали атов бирликларининг систем, структур, генетик, когнитив ва лексикографик хусусиятлари ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқ жараёнида таснифлаш, тавсифлаш, компонент таҳлил, дифференциал-семантик, қиёслаш ва дистрбутив таҳлил усулларидан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

ўзбек тилидаги “эътиқод” маъновий гуруҳи атов бирликларини ташкил этувчилар орасидаги синонимик, антонимик, парадигматик муносабатлар очиб берилган ва атов бирликлар системага мансуб сўзларнинг барчасига бирдек тааллуқли эмаслиги аниқланган;

“Эътиқод” категорияси “диний эътиқод”, “дунёвий эътиқод”, “сиёсий эътиқод” макрогуруҳларига бўлинган ҳолда ўзбек тилидаги ушбу категориянинг диний ва дунёвий, “маънавий” ҳамда “моддий” семали турлари ажратилган, уларнинг илмий ва бадий асарлардаги семантик структураси, диний ва дунёвий маъноларининг ўхшаш ва ўзаро фарқли белгилари асосланган;

---

<sup>1</sup> Ходжиев Ю. “Алпомиш” дostonидаги шахс маънавий сифатларини ифода этувчи атов бирликларнинг семантик-структур, концептуал ва лексикографик хусусиятлари. Фалсафа доктори (PhD) ... дисс. – Тошкент, 2020. – Б. 6.

<sup>2</sup> Аҳмедова М. Ўзбек тилидаги «маънавият» ва инглиз тилидаги «spirituality» умумий семали атов бирликлари типологияси. Фалсафа доктори (PhD) ... дисс. – Бухоро, 2019. – Б. 10–11.

Ўзбек тилидаги “эътиқод” умумий семали бирликларининг лексик тизимда алоҳида луғавий-маъновий гуруҳ сифатида барқарор ўринга эгаллиги атов бирликларининг таркиби ҳам бошқа мавзуй гуруҳлар сингари тил тизимида ўзига хос шакл, мазмун ва семантик структурага эга эканлиги исботланган;

Ўзбек тилининг янги изоҳли луғатлари “эътиқод” умумий семали атов бирликлари изоҳини беришда миллий маънавиятимизни акс эттирадиган “эътиқод” концептига оид лексемалар билан тўлдирилганлиги ҳамда сон ва сифат жиҳатдан нисбатан устуворлик касб этганлиги ойдинлашган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

“эътиқод” умумий семали атов бирликларининг систем хусусияти тавсифи шакллантирилиб, бу системанинг тил лексикасидаги ўрни аниқланган;

“эътиқод” умумий семали атов бирликларининг лингвомаънавий луғатини тузиш тамойиллари ишлаб чиқилган, шу асосда “эътиқод” умумий семали атов бирликларининг қисқача изоҳли луғати яратилган ҳамда олий ўқув юртларининг магистратура ва бакалаврият босқичлари талабалари учун машғулотларни ташкил этиш ва ўқув адабиётларини яратишда зарур манба бўла олиши асосланган;

“эътиқод” умумий семали атов бирликлари тизимининг контекстуал моҳияти, ассоциатив хусусиятлари ёритилиши натижасида унинг маънавий майдони шаклланишига хизмат қилиши далилланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлиги** қўлланилган ёндашув, усул ва назарий маълумотларнинг ишончли илмий ва бадий манбалардан олинганлиги, келтирилган таҳлилларни таснифлаш, тавсифлаш, компонент таҳлил, дифференциал-семантик, қиёслаш таҳлил методлари воситасида асосланганлиги, назарий фикр ва хулосаларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ўзбек тили лексикологияси ва лексикографияси, лингвомаънавиятшунослик бўйича назарий манбаларни яратишда, дарслик ҳамда қўлланмаларни такомиллаштиришда, ўзбек тилининг замонавий академик ва ўқув луғатларини яратишда илмий аҳамият касб этади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти мавжуд луғатлардаги изоҳ ва шарҳларни мукамаллаштиришда, лексикологик маълумотларни бойитишда, олий таълимдаги “Семасиология”, “Лингвокультурология”, “Лексикография” махсус курсларини такомиллаштиришда, систем-структур ҳамда антропоцентрик парадигманинг прагматика каби соҳаларини ривожлантиришда муҳим манба бўла олади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ўзбек тилидаги “эътиқод” умумий семали атов бирликлари типологик таҳлили юзасидан олинган илмий натижалар асосида:



“эътиқод” умумий семали атов бирликлари шаклий структурасининг берилиши ҳамда мазкур системанинг ёритилишига доир ўринлардан ФА-Ф1-ГООЗ “Ҳозирги қорақалпоқ тилида функционал сўз ясалиши” (“Функциональное словообразование в современном каракалпакском языке”) номли фундаментал илмий тадқиқот лойиҳасида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институтининг 2020 йил 12 ноябрдаги 17.01.130-сон маълумотномаси). Натижада мазкур лойиҳа янги лисоний далиллар ҳамда шаклий структурасининг тузилишига оид ўринлар бойиган.

“эътиқод” концептини ташкил этувчилар орасидаги синонимик, антонимик, парадигматик муносабатлар ёритилган ўринлардан ва бундай сўзларнинг идеографик луғатини тузишнинг лисоний ҳамда гипогиперонимик асослари берилган тавсиялардан ФА-А1-ГОО7 “Қорақалпоқ нақл-мақоллари лингвистик тадқиқот объекти сифатида” мавзуидаги фундаментал ва амалий илмий лойиҳада фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институтининг 2020 йил 12 ноябрдаги 17.01.135-сон маълумотномаси). Натижада “эътиқод” маъновий гуруҳига оид лексемаларнинг нақл-мақоллардаги ўрни, даражаси, экспрессив-эмоциональ таъсири хусусида муайян хулосаларга келинган.

Ўзбек тилидаги “эътиқод” категориясининг моддий ва маънавий маъно касб этадиган лексик бирликларидан, уларнинг семантик структурасига оид тавсиялардан, ушбу бирликларнинг лексикографик тадқиқига доир хулосаларидан ФА-Ф1-ГОО2 “Қорақалпоқ фольклори ва адабиёти жанрларининг назарий масалаларини тадқиқ этиш” мавзуидаги фундаментал лойиҳа доирасида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институтининг 2020 йил 12 ноябрдаги 17.04/134-сон маълумотномаси). Натижада лойиҳа иши “эътиқод” умумий семали атов бирликларининг структурал ва семантик таҳлилига боғлиқ янги маълумотлар билан тўлдирилган.

Миллий эътиқодни юксалтиришга хизмат қиладиган лингвистик-дидактик базани шакллантириш зарурати, унинг лингвистик таъминоти, “эътиқод” концептини лингводидактик аҳамиятига доир хулосалардан Навоий вилоят телерадиокомпанияси адабий-бадиий, маънавий-маърифий дастурларининг сценарийсини тайёрлашда фойдаланилган (Навоий вилоят телерадиокомпаниясининг 2021 йил 30 июндаги 01/02-50-сон маълумотномаси). Натижада юқори савияли баркамол авлодни вояга етказиш, ёшлар орасида миллий эътиқодни шакллантириш ҳамда маънавиятнинг шахсий, жамоавий, этник, миллий, умуминсоний кўринишларига хос хусусиятлар таърифи, тавсифи ҳақидаги тарғибот ишлари мазмуни мукаммаллашган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 6 та халқаро ва 10 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларнинг эълон қилинганлиги.** Диссертациянинг асосий мазмуни юзасидан 18 та илмий мақола ва тезис чоп этилган. Ўзбекистон Олий аттестацияси комиссияси томонидан докторлик диссертацияларининг асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та, жумладан, хорижий журналларда 4 та илмий мақола нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловадан иборат бўлиб, 130 саҳифани ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, натижаларни амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Ўзбек тилида “эътиқод” умумий семали атов бирликлари тизими”** деб номланувчи биринчи бобида тилимиздаги “эътиқод” умумий семали атов бирликларининг лисоний тасвирида акс этиши, миллий тилимизнинг лисоний онгдаги ўрни, парадигматик хусусиятлари ўрганилган ҳамда ушбу масалаларга муносабат билдирилган.

Ўзбек тилида “маънавият” лексик системасининг моҳиятини очишда унинг таркибий қисмларидан бири бўлган “эътиқод” умумий семали атов бирликлари алоҳида ўрин тутади. “Эътиқод”, “холислик”, “маърифат”, “муҳаббат”, “иймон”, “ишонч”, “адолат”, “ахлоқ”, “виждон”, “ватанпарварлик”, “шахсий такомиллашув” тушунчалари маънавиятнинг асосини ташкил этади. Шахснинг индивидуал лисоний тасвирида “эътиқод” унинг муайян мақсади, ўз-ўзига ишончи, иймони, дунёқараши, нуқтаи назари ва шу асосда шаклланган иродасининг барқарор кўриниши яққол акс этади.

Назарий, амалий, диний манбаларда “эътиқод” тушунчаси турли маъноларда талқин этилади. Хусусан, 5 жилдлик ЎТИЛда<sup>1</sup> *эътиқод* сўзи қуйидагича изоҳланган: *Эътиқод (а) – ишонч, ишониш; кўнгилда тасдиқлаш; имон, маслак.) 1. Қаттиқ ишонч, дилдан эътироф этилувчи тушунча, нуқтаи назар, қараш. Ҳар қандай одамнинг ҳам ўзига хос хулқ-атвори, эътиқоди, дунёқараши бўлади. 2. Бирор кимсага ёки нарсага бўлган ишонч; ишонч ва ихлос билан қараш. Жўрабой отанинг командир йигитга эътиқоди ўн чандон ошди. 3. Худога ёки умуман бирор ғайритабиий кучга ишониш; имон. У ўз*

<sup>1</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 80 000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси. Ж. IV. – Тошкент: Ўз МЭ, 2008. – Б. 329.

*эътиқоди билан диний одам бўлиб, намозни ҳам канда қилмайди, рўзани ҳам.* (Ш.Рашидов, Қудратли тўлқин)<sup>1</sup>.

Юқоридаги учала тавсифда ҳам бир-бирини тўлдирувчи ва бир-биридан фаркланувчи ҳолатлар мавжуд. Ҳатто 2 томли ЎТИЛда<sup>2</sup> учрайдиган мисол ва таърифларнинг айримлари бир хил. Аммо улардаги ички семаларнинг фарқлари ҳар хил. Хусусан: 1) биринчи тавсифда “атрофдаги воқеа-ҳодисаларни тушуниш”, “баҳолаш”, “муносабат билдириш”, “идрок этиш”, “ўз йўлини танлаш”, “фикр” семалари мавжуд бўлгани ҳолда, иккинчи тавсифда бундан фақат “ишонч” ва “ихлос” маъноси сақланган; 2) биринчи ва иккинчи тавсифдаги “қаттиқ ишонч”, “дилдан эътироф этилувчи тушунча”, “нуқтаи назар”, “қараш” семалари учинчи тавсифда мавжуд эмас; 3) учинчи тавсифда “сиғинмоқ”, “интилмоқ”, “бағишламоқ”, “тўғри йўл”, “берилмоқ”, “бурч” семалари биринчи ва иккинчи тавсифда учрамайди. Бундай семалар ўртасидаги фарқ эса бу тушунчанинг маъновий қамрови кенглигининг яққол далилидир.

Ўзбек тилида “эътиқод” ва унга оид терминлар билан боғлиқ изоҳлар турли адабиётларда маънавиятимизга хос тарзда бойиб бормоқда. “Эътиқод – инсоннинг ҳаётдаги позицияси, унинг турмуш тарзи мазмуни худди шу компонентнинг мустақамлигига, барқарорлигига боғлиқ. Чинакам билимга, турмуш синовларидан ўтган ғояга, назарияга асосланмаган эътиқод ғайриилмий ва пуч эътиқод<sup>3</sup>”. Кўринадики, эътиқод масаласи ва унинг моҳиятини очишда фалсафий, диний таснифдан ташқари лингвистик тасниф ҳам талаб қилинади. *Эътиқод* лексемаси мустамлакачилик тузуми даврида бир томонлама тушуниланган ва талқин қилинган. Сабаби бу атама баъзи гуруҳлар учун шахсий мақсад йўлидаги “баҳона” сифатида қаралган, натижада бу сўзнинг маъно торайишига сабаб бўлган. *Эътиқод* лексемаси кенг қамровли семантик-синтактик имкониятга эга. Дастлаб бу сўз аксарият кишилар хотирасида диний маънода намоён бўлади. Бу эса унинг бир томонлама таҳлилга асосланган тор доирада тушунилишига олиб келади. Аслида, у умумий ва хусусий мазмундаги куйидаги маъноларга эга.

1) “ишонч”, “ихлос”: *Омон отада билимга, илгор усулларга эътиқод жуда баланд* (Ў.Назир); 2) “дунёқараш”: *Ҳар қандай одамнинг ҳам ўзига хос хулқ-атвори, эътиқоди бўлади*; 3) “нуқтаи назар, қараш”: *Эътиқодга кўра, чинор мингга кирган соати ўзидан-ўзи ёниб кетиши керак экан* (А.Мухтор); 4) “Аллоҳга ишонч”, “иймон”: *Ислонда фақат диний таълимотга бўлган эътиқод ва тушунча – иймон тан олинади* (Газетадан); 5) “суянчик”, “мададкор”, “ҳомий”: *Бу мажбуриятни ўзимга эътиқод қилганимдан эмас, балки сизнингдек оталарим, оғаларимга такагоҳ деб ишонганимдандир* (А.Қодирий); 6) “олғирлик”, “уддабуронлик”: *Кўнглининг бир четида “Ташаббусни қўлдан бермаслик керак!..” деган эътиқоди чинқиради* (П.Қодиров). 7) “меҳр”, “муҳаббат”: *Унинг отаси асли деҳқон бўлса-да, адабиётга эътиқоди бўлакча эди*; 8) “мақсад”: *Улар шарқнинг юксак*

<sup>1</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 80 000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси. Ж. IV. – Тошкент: Ўз МЭ, 2008. – Б. 329.

<sup>2</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 2 томли. 2-том. – М.: Русский язык, 1981. – Б. 459.

<sup>3</sup> Фалсафа қомусий луғат. – Тошкент: “Шарқ” НМАК, 2004. – Б. 468.

маданияти, гуманистик гояларини ўзлари учун чин эътиқод қилиб олган одамлардир.

А.М. Пешковский “сўзнинг семантик бирлиги унда одатда изоҳли луғатларда ажратиладиган хусусий маъноларни ўзига бўйсундирувчи муайян “умумий маъно”нинг мавжудлиги билан эмас, балки бу алоҳида мустақил маъноларнинг бир-бирлари билан маълум муносабатлари ва уларнинг битта белгига боғланиши билан асосланади”, – деб таъкидлайди<sup>1</sup>. Бундан кўринадики, “эътиқод” умумий семали атов бирликларини аниқлаш фақатгина луғат ва унинг сўзликларидаги маъноларига кўра эмас, уларнинг семалари ўртасидаги умумий ва хусусий белгиларга таянган ҳолда белгиланиши мақсадга мувофиқ. *Эътиқод* лексемасининг семантик қирралари турлича, бу тушунчалар матнда яна бир неча маъно товланишлари билан намоён бўлади. Юқоридаги мисоллар таҳлилидан келиб чиқиб шундай хулоса қилиш мумкинки, ҳар бир миллий тилда, жумладан, ўзбек тилида “маънавият” лексик-семантик гуруҳига кирувчи “эътиқод” умумий семали атов бирликлари тилнинг бойлигини кўрсатувчи сифат белгилари саналади. Таъкидлаш лозимки, “айрим бирликлар семантик серқирралиги сабабли лисоний бирликнинг турли парадигмага<sup>2</sup>” кира олиши имконияти асосида ҳар хил атов бирликлари маъновий гуруҳида учраши мумкин. Бу, албатта, бир қарашда ҳодисалар таснифининг мураккаблигини келтириб чиқаради. Бироқ турли парадигмада муайян бирликнинг ҳар хил томонини идрок этиш лозимлиги уларнинг таснифидаги мураккабликларни ойдинлаштиради – “соддалаштиради<sup>3</sup>”. Сўзлар синонимиясидаги ифода семалари асосида тарих ва бугунги кун нуқтаи назаридан ушбу тушунчанинг таркибий унсурлари фарқланишини кузатиш мумкин. Эътиқодни англатувчи синоним лексемалар семемаларидаги аташ ва вазифа семалари айнан бир хил, асосан, ифода семалари фарқланади. Жумладан, *эътиқод* сўзи *ақида*, *ақоид*, *ишонч*, *ишонии*, *мафкура*, *диёнат*, *иймон*, *фалсафа*, *маслак*, *эътимод*, *вафо*, *содиқлик*, *муҳаббат*, *садоқат*, *сидқ* каби сўзлар билан лексик ва контекстуал синонимик муносабатни ташкил қилади. Бугунги ёш авлод асрлар синовидан ўтган миллий ўзига хослигимизни, миллий дунёқарашимизни, урф-одатларимизни асраб, хусусан, инсоний эътиқодимизга айланган *уят*, *ор-номус*, *фидокорлик*, *эзгулик*, *камтарлик*, *сахийлик*, *меҳнатсеварлик*, *хушмуомалалик*, *фаросат*, *ватанпарварлик*, *раҳмдиллик*, *ростгўйлик*, *ахлоқ*, *холислик* каби тушунчаларнинг маъноси ва моҳиятини чуқур англаган ҳолда келажак авлодга етказишда муҳим кўприк вазифасини ўтайди. Бу эса яхшилик ва эзгулик гояларининг давомли яшаб келаятганлигининг исботи. Тилшунослигимизда мустақил тизим сифатида шаклланаётган “эътиқод” маъновий гуруҳи, уни ифодаловчи лексик бирликлар тизими, мазкур тизимнинг ички тузилиши ўзига хос тарзда шаклланиб бормоқда. “Эътиқод” атов бирликлари таркиби ҳам бошқа мавзуий гуруҳлар сингари ўзига хос шакл, мазмун ва семантик

<sup>1</sup> Пешковский А. М. Избран. труды. М., 1959. – С. 83.

<sup>2</sup> Нейматов Х., Расулов Р. “Ўзбек тили систем лексикологияси асослари”. – Тошкент: Ўқитувчи, 1995. – Б. 78.

<sup>3</sup> Тожиева Г.Н. “Ўзбек тили маънавий-маърифий лексикасининг мустақиллик йилларидаги тараққиёти” (“миллий гоя” атов бирликлари тизими): фалсафа доктори (PhD) ... дисс. – Қарши, 2017. – Б. 14.

структурасига эга. Хусусан, мазкур мавзуий гуруҳ алоҳида лексик тизим сифатида *ядро, марказ, қуршов, чекка* қисмларидан иборат.

Таҳлил этилаётган эътиқод атов бирлигининг ядросида *ишонч ва дилдан эътироф этиши, нуқтаи назар ва ихлос билан қараш, иймон, адолат, холислик, тафаккур, меҳр, муҳаббат, содиқлик, вафо* каби маънолари билан “одамийлик” макрогуруҳини ҳосил қилади, унинг марказий қаторини *фидокорлик, эзгулик, камтарлик, сахийлик, меҳнатсеварлик, хушмуомалалик, фаросат, ватанпарварлик, раҳмдиллик, ростгўйлик, ахлоқ, холислик* гуруҳи эгаллайди. Маъновий гуруҳ марказий бирликларининг шаклланишида уларга маъновий боғлиқ бўлган ўз қуршовига эга бўлади. Бундай марказий қаторни ифодаладиган бирликлар маъносига кўра *ижобий* хусусиятга: *фидокорлик, эзгулик, камтарлик, сахийлик, меҳнатсеварлик, хушмуомалалик, фаросат, ватанпарварлик, раҳмдиллик, ростгўйлик, ахлоқ, холислик*; салбий хусусиятга эга бирликлар “худбинлик” уяси орқали *ёвузлик, кибрлилик, хоинлик, ёлгончилик, фаросатсизлик, ҳасадгўйлик, манқуртлик, иродасизлик, мунофиқлик, ахлоқсизлик, фирибгарлик* гуруҳларини ташкил этади.

“Эътиқод” умумий семали атов бирликлари ана шундай семалар асосида қуйидагича *марказ* қаторини ҳосил қилади. Марказий бирлик ҳисобланган *фидокорлик* лексемаси ўз иши, касб-кори, маслағи, эътиқодига ёки бирор кимсага ўта берилганлик, ўта содиқлик<sup>1</sup> маъноси билан *садоқат* уя лексемасини ҳосил қилиб, “эътиқод” умумий семали атов бирлиги *маънавият* майдонининг кенгайишига *марказ* лексема сифатида асос бўлган. Сифат сўз туркумига қўшилган *-лик* аффикси *фидокор* лексемасига “шуғулланмоқ” семасини юклаган. “*-лик* сифат ва равишларга (белги билдирувчи сўзларга) қўшилиб белги оти ясайди<sup>2</sup>”. Ўз навбатида, “фидокорлик” эътиқод атов бирликларига *марказ* ҳисобланиб, унга *чекка* қисм сифатида микрогуруҳнинг шаклланишига асос бўладиган лексемалар билан кенгайди. *Марказ* макрогуруҳини ҳосил қиладиган лексемалардан бири *меҳнатсеварлик*, меҳнатсеварга хос хислат, хатти-ҳаракат<sup>3</sup> маъноларига эга. Бироқ “эътиқод” умумий семали атов бирликларининг шаклланишида асос бўладиган “жонкуярлик” уяси орқали “меҳнатсеварлик” гуруҳи шаклланган. Аслида, *меҳнат* сўзининг эътиқодга бевосита алоқаси йўқ. Бироқ меҳнат сўзига *-севар*, яъни таркибида “севмоқ”, “меҳр қўймоқ”, “шуғулланмоқ”, “эътибор” семаси мавжуд бўлган, синтактик усулда ясалиш уни *марказ* лексема сифатида шакллантирган. Бу сўзнинг *чекка* қисмларининг шаклланишига яна бир омил *-фуруш* аффиксидир. Бу сўз ясовчи қўшимча аслида тожик тилидан ўзлашган сўзлар таркибида учрайдиган “сотмоқ” маъноли *фуруҳтан* феълининг ҳозирги замон сифатдоши шаклидир<sup>4</sup>. Бу аффикснинг “эътиқод” умумий семали атов бирликларини шаклланишида иккита асосий хусусияти мавжуд: 1) *-фуруш* аффикси “эътиқод” атов бирликларига бевосита ҳам, билвосита ҳам кирмайдиган сўзларга қўшилиб, уларнинг баъзиларини бевосита гуруҳга

<sup>1</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 80000 дан ортик сўз ва сўз бирикмаси. Ж. II. – Тошкент: ЎзМЭ, 2006. – Б. 176.

<sup>2</sup> Ҳожиёв А. Ўзбек тилида сўз ясалиши тизими. – Тошкент, 2007. – Б. 97.

<sup>3</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 80000 дан ортик сўз ва сўз бирикмаси. Ж. II. – Тошкент: ЎзМЭ, 2006. – Б. 587.

<sup>4</sup> Кўрсатилган манба. – Б. 74.

киришига хослайди. Бундай сўзлар ижобий ва салбий атов гуруҳларини ҳосил қилиши мумкин. Ижобий “эътиқод” умумий семали атов бирликларининг макрогуруҳига кирувчи “меҳнатсеварлик” микрогуруҳи учун *чекка* бирлик бирлик ҳосил қилувчи лексемаларни шакллантиради; 2) *-фуруш* аффикси билвосита “эътиқод” умумий семали атов бирликларининг бевосита ушбу гуруҳга киришини таъминлайди.

*Камтарлик* марказий қаторида “камтарга хос хусусият”, “фазилат<sup>1</sup>” маъноси мавжуд. Лексема таркибидаги “ўзини қуйи олиш”, “тийила олмоқ”, “ижобий хатти-ҳаракатни одат қилмоқ” каби маънолари билан “эътиқод” лексемасига синоним ҳисобланувчи “камтарин ҳаёт” бирикмасига бевосита алоқадор бўлади ва атов бирлигининг шаклланишига, кенгайишига асос бўлади. Бу микрогуруҳнинг ички узвларига *чекка* қисм сифатида *камсухан*, *камсуханлик*, *камсуқум*, *камсуқумлик*, *камтар*, *камтарин*, *камтаринлик*, *камтарлик*, *одамишавандалик*, *сокинлик*, *хокисорлик*, *хокисорона* каби лексемалар бирлашади. Марказий қисмдан яна бири *хушмуомалалик* бўлиб, “бировга яхши муомалада бўлиш” маъноси билан “самимият” уяси орқали “эътиқод” лексемасига боғланади. Ушбу марказий қаторнинг кенгайиши қуйидаги воситаларга боғлиқ: 1) *-хуш* аффикси. [*ф.* – яхши, ёқимли; қувноқ]: а) асосан, отлар олдидан келиб, “яхши”, “ёқимли” маъносидаги сифат ҳосил қилади ҳамда *хушмуомалалик* марказий қаторини бойитади. Уларга: *хушмуомала*, *хушахлоқ*, *хушбичим*, *хуштабиат*, *суханвар*, *суханварлик* каби лексемаларни мисол келтириш мумкин. *Хушмуомала* “кишига хуш ёқадиган муомалали шахс” маъноси билан *маънавий эътиқод* гуруҳининг *чекка* қисмидан жой эгаллайди; 2) *-хуш* аффикси баъзи ҳолларда айни маънода отдан от ясайди: *хушхабар*<sup>2</sup>. Юқоридаги лексемалар *марказ* қаторига “самимият” уяси таркибидаги “ёқимли муносабатда бўлмоқ” семаси билан *ядро* қаторга бирлашади. Ушбу қаторни бойитувчи *от ва сифат* сўз туркумига кирадиган лексемаларга қуйидагилар асос бўлади. Хусусан, *мулойим* лексемаси кўп маъноли, белги метафорик кўчма маъноси (*мулойим овоз*, *мулойим табиатли*, *мулойим муомала*) билан “ёқимли муносабатда бўлмоқ” семаси асосида “самимият” уясига бирикади. Бунга *чекка* қисм сифатида *мулозамат*, *мулозаматли*, *муомала*, *муомалали*, *одобли*, *нафосат*, *сертакаллуф*, *мулойим*, *мулойимлик*, *сизламоқ*, *силлиқламоқ*, *силлиқлик*, *сипо*, *сипогарлик*, *сипогарчилик*, *суҳбатижон* каби сўзларни кўрсатиш мумкин.

“Эътиқод” умумий семали атов бирликларининг “фаросат” уясига хос бўлган *фаросатли* сифати марказий қаторлардан бири *фаҳмли*, *ақлли*, *дидли* маънолари билан *ядро* атрофидан жой олган. *-ли* ясовчиси отларга қўшилиб, *мавжудлик*, *эгаллик* маъносини юзага келтирган. *Ўзи жуда фаросатли*, *доно*, *достончи чол*. *Баҳромбек оилада кўпроқ отасига тортган*, *хаёлчан*, *камган*, *ишни пишиқ қиладиган*, *фаросатли ўғил эди*<sup>3</sup>. *Фаросатли* лексемасининг семалари бевосита “эътиқод” атов бирликлари гуруҳига мансуб эмас. *Фаросатли* сифатига *-лик* сўз ясовчи қўшимчасининг қўшилиши

<sup>1</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 80000 дан ортик сўз ва сўз бирикмаси. Ж. II. – Тошкент: ЎзМЭ, 2006. – Б. 311.

<sup>2</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 80000 дан ортик сўз ва сўз бирикмаси. Ж. V. – Тошкент: ЎзМЭ, 2008. – Б. 626.

<sup>3</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 80000 дан ортик сўз ва сўз бирикмаси. Ж. IV. – Тошкент: ЎзМЭ, 2008. – Б. 331.

*фаросатлилик* лексемасини ҳосил қилиб, “эътиқод” атов бирликлари гуруҳини кенгайтиради. *-лик* сифат ва равишларга (белги билдирувчи сўзларга) қўшилиб белги оти ясайди<sup>1</sup>. ЎТИЛда *уят* сўзи “ўз қилмиши, ноўрин хатти-ҳаракатидан хижолатлик ҳисси, номус”<sup>2</sup> маъноси билан ижобий “эътиқод” атов бирлиги макрогуруҳининг “виждон” уясига билвосита бирлашади. Бу лексемани ушбу гуруҳга билвосита кириши учун хослашга сўз ясовчи қўшимчаларнинг ўрнини таъкидлаш зарур. Жумладан, сифат ясовчи *-чан* қўшимчаси от, ҳаракат номларига қўшилиб, характер-хусусият, ҳолат билдирувчи сифатлар ясайди ва асосдан англашилган нарса, ҳодиса, тушунчаларга ортиклик, фаоллик каби белги маъноларини қўшади<sup>3</sup>. Хусусан, *уятчан* лексемасида *уят* лексемасига қараганда “мансублик”, “эғалик” услубий бўёқларининг устунлиги “фаоллик”, “хослик” маъносини юклаб, ушбу сўзнинг ижобий “эътиқод” атов бирлиги макрогуруҳининг “виждон” микрогуруҳига бевосита киришига замин яратади. *Уятчан* сифатига *-лик* сўз ясовчи қўшимчасининг қўшилиши “эътиқод” атов бирликлари гуруҳини кенгайтиради. *Уятчан+лик* шаклидаги ясалманинг ҳосил бўлиши бир микрогуруҳдан бошқа микрогуруҳга ўтиш жараёнини юзага келтирмайди. Аксинча, атов бирликлари сафини кенгайтириб “фаоллик”, “фаолият-жараён”, “хусусият” маъноларини юклаган ҳолда тўғридан-тўғри ушбу гуруҳни лексик жиҳатдан бойитади. Унга *чекка* қисм сифатида қуйидагиларни киритиш мумкин: *уят, уялмоқ, уятчан, ахлоқ, ахлоқий, ахлоқли, одоблилик, ақл, ақлий, ахлоқли, ақли-ҳушли, баодоб, боадаб, иболи, иффат, иффатли, маданият, маданиятли*. Бу бўлинишлар семантик қаторни бойитади ва кенгайтиради.

Диссертациянинг иккинчи боби “**Ўзбек тилидаги “эътиқод” умумий семали атов бирликларининг структур ва семантик хусусиятлари**” деб номланган. Мазкур бобда “эътиқод” умумий семали атов бирликларининг шаклий структураси ўрганилган. Атов бирликлар тузилишига кўра содда ва мураккаб турларга бўлинади. 1. Содда сўз шаклидаги бирликлар икки гуруҳга ажралади: а) содда туб: *виждон, ихлос, андиша, адолат, садоқат, вафо*; б) содда ясама: *эзгулик, содиқлик вафоли, садоқатли, азизламоқ, эъзозламоқ*. 2. “Эътиқод” умумий семали атов бирликларини ташкил этувчи лексемалар тузилишига кўра бирикмали кўринишларда бўлади: 2.1. Содда бирикма шаклидаги бирликлар: *эътиқод калити, маънавий тарбия, ўзликни англаш, халқ эътиқоди, эътиқод жарчиси*. Сўз бирикмаси шаклидаги атов бирликларида қисмлар қуйидагича грамматик алоқага киришади: а) бошқарув шаклида: *аҳдига содиқлик, ваъдасини бажармоқ, тошларга эътиқод, шамолга сизиниши, оловга топинмоқ, қуёшга эътиқод*; б) мослашув шаклида: *арвоҳлар ёди, халқ эътиқоди, эътиқод жарчиси*; с) битишув шаклида: *кучли ирода, маънавий дунё, сабр-тоқатли инсон*.

Мураккаб сўз шаклидаги бирликлар қўшма ва жуфт кўринишларга эга: а) қўшма: *эрксевар, бағрикенг, умуминсоний, меҳнатсевар, хушсухан*; б) жуфт: *ор-номусли, ишқ-муҳаббат, дину диёнат*.

<sup>1</sup> Ҳожиёв А. Ўзбек тилида сўз ясалиши тизими. – Тошкент: Ўқитувчи, 2007. – Б. 97.

<sup>2</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 80000 дан ортик сўз ва сўз бирикмаси. Ж. IV. – Тошкент: ЎЗМЭ, 2008. – Б. 333.

<sup>3</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 80000 дан ортик сўз ва сўз бирикмаси. Ж. V. – Тошкент: ЎЗМЭ, 2008. – Б. 627.

2.2. Мураккаб бирикма шаклидаги бирликлар. Ўзбек тили лексик таркибида бирикма ҳолидаги “эътиқод” маъновий гуруҳига оид лексемалар миқдори салмоқли: *ўз дунёқарашларига содиқ қолмоқ, жон ва руҳ ҳақидаги тасаввурлар, аждодлар руҳига сизиниши, жамият осойишталиги, инсонийлик хислатларига эга бўлиши* каби. Ўзбек тилидаги “эътиқод” умумий семали атов бирликларининг шаклий-структур хусусиятларининг турли кўринишга эғалиги уларнинг лисоний маъноларига асосланиб тузилади.

“Эътиқод” умумий семали атов бирликларининг семантик структурасини ойдинлаштириш уларни ички узвларга бўлишда намоён бўлади. Тадқиқотда ушбу тушунчани “диний”, “дунёвий”, “сиёсий”, “жамият ҳодисаларига эътиқод” каби маъновий микрогуруҳларга бўлиш асосида семантик структураси ёритилди. Хусусан, *ихлос* лексемаси таркибида “самимийлик”, “кўнгли очиклик”; “берилмоқ”, “ишонч”, “мухлислик”; “эътиқод” семалари мавжуд бўлгани ҳолда луғатда *чин юракдан, ишонч билан берилиши; астойдил муҳаббат, меҳр* маънолари билан изоҳланган. *Ихлос* лексемаси ана шу маънолари билан диний эътиқоднинг “Яратувчига эътиқод” уясига мансуб. Ушбу лексема *қилмоқ, қўймоқ* сўзлари билан бирикиб, *ихлос қилмоқ, ихлос қўймоқ* шаклида ҳам қўлланади. Шунингдек, “ишонч билан берилиш”, “чин юракдан киришмоқ” семаси билан бевосита “диний эътиқод” маъновий гуруҳига бирлашади. *Ихлос қўймоқ* бирикмасининг *ихлос* лексемасидан мазмун жиҳатдан кучайиб боришини кузатиш мумкин. *Қўймоқ, қилмоқ* лексемаларидаги “шуғулланмоқ”, “киришмоқ”, “жараён” семаларининг мавжудлиги бунга сабаб бўлган. Айни пайтда *ихлос қўймоқ* лексемасига “хафсаласи пир бўлмоқ” (эътиқоди сусаймоқ) семаси асосида *ихлоси қайтган* лексемаси антонимликни юзага келтиради.

ЎТИЛда *эътибор* лексемасининг матнларда англаган турли маънолари “эътиқод” умумий семали атов бирликларига алоқадор бўлади. “Эътибор” лексемасининг “назарга олмоқ”, “хурмат”, “диққати ошмоқ”, “иззат-икром” маъноларининг ортиши диний эътиқоднинг “маънавий эътиқод” микрогуруҳи орқали “эътиқод” умумий семали атов бирликларига мазмуний алоқадор. “Эътиқод” умумий семали атов бирлигининг ядроларидан бирини *бағрикенглик*, яъни *толерантлик* лексемаси эгаллайди. 5 жилдли ЎТИЛда “бағрикенглик” лексемаси “масалага кенг кўламда очик кўнгиллилик билан ёндашишлик” семаси орқали сиёсий эътиқоднинг мавзу уяларини шакллантиришга хизмат қилади. Бундан ташқари, “бағрикенглик-толерантлик” лексемаси таркибида қуйидаги семалар ҳам мавжуд: 1) “ўзгача қараш”, “ёндашиш”; 2) “урф-одатларга садоқат”; 3) “ўзига ишонч”; 4) “ижобий муҳит”; 5) “характер”; 6) “меҳр-муҳаббатлилилик”; 7) “эркин муносабат”. Ушбу лексема “меҳр-муҳаббатлилилик”, “ғамхўрлик”, “ўзига ишонч”, “меҳр билан ёндашмоқ” каби маъновий фазилатларни ифодаловчи тушунча<sup>1</sup> лари билан “эътиқод” умумий семали атов бирликларига бирлашган. *Бағрикенглик* лексемаси таркибидаги “ишонч ва тотув ҳаёт”, “самимийлик”, “киришмоқ”, “меҳр”, “меҳр билан ёндашмоқ” “дунёқараш” семалари

<sup>1</sup> Маънавият асосий тушунчалар изоҳли луғати. – Тошкент: Фафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа уйи, 2013. – Б. 35.



“эътиқод” умумий семали атов бирликларининг “маънавий эътиқод” қаторидан ўрин олган. Ушбу сўзларнинг семалари таркиби эътиқод тушунчасини билвосита англатади. Маъновий гуруҳ таркибидаги *муҳаббат* лексемаси кенг қамровли семантик имкониятларга эга бўлиб, умумистеъмолдаги бир нечта сўзнинг (*севги, ишқ; боғланиш* каби) воқеаланиши сифатида намоён бўлади. “Муҳаббат” лексемаси иккинчи маъносидаги “*меҳр қўймоқ*”, “*боғланиб қолмоқ*”, “*киришиб кетмоқ*” семалари билан “эътиқод” умумий семали атов бирликларининг “*маънавий эътиқод*” маъновий гуруҳига мансуб бўлса, “шаҳс ва нарсаларга муҳаббат” маъноси билан “шаҳсга эътиқод” микрогуруҳидан ҳам жой олади. Ҳар иккала маъно учун ҳам “*ёқтирмоқ*”, “*кўнгиб қўймоқ*” семалари умумийлик касб этади.

